

2015 йилнинг I ярми якунлари бўйича "Ўзкимёсаноат" ДАК корхоналари фаолияти тўғрисида

// 27.07.2015

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/2015-yilning-i-yarmi-yakunlari-buyicha-uzkimyosanoat-dak-korhonalar-faoliyati-tugrisida>

2015 йилнинг январ-июнь ойларида "Ўзкимёсаноат" корхоналарида **1102,5** млрд. сўмлик товар маҳсулот (ўсиш суръати 103,5%) ҳамда **110,6** млрд.сўмлик халқ истеъмол моллари (ўсиш суръати 137,4%) ишлаб чиқарилди.

Соф ҳолда **655,7** минг тонна минерал ўғитлар, шу жумладан 511,6 минг тонна азотли ўғитлар, 71,3 минг тонна фосфорли ўғитлар ва 72,8 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқарилди.

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ 2015 йил январь-июнь ойларида **109 млрд.сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқарилди (прогноз 70,8 млрд.сўм).

2015 йил Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни бажариш доирасида "Ўзкимёсаноат" АО корхоналари томонидан **65,4 млн.доллар** ҳажмида инвестициялар ўзлаштирилди ва прогноз 103,3%-га бажарилди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржада тузилган шартномаларга биноан **107,6 млрд.сўмлик** маҳсулот компания корхоналари томонидан сотиб олинди (прогнозга нисбатан 100,9%)

158 янги иш ўрни, шу жумладан касаначилик асосида 42 иш ўрни яратилди.

Худудий «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятларидаги мавжуд техникалар ёрдамида қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2015 йил январ-июнь ойлари давомида **27314,6 млн.сўмлик** агрокимёвий хизматлар кўрсатилди. Жумладан, **8851,4 млн.сўмлик 457,2 минг тонна** компост тайёрланди ва сотилди, **349,7 минг тонна** органик ва **455,0** минерал ўғитлар фермер хўжаликлари экин майдонларига етказиб берилди. **954,3 минг гектар** ғалла ва пахта майдонларида минерал ўғитлар сепилиб, суспензия тадбирлари ўтказилди.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати